



Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir

Высшее благо медицины — здоровье

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган www.uzssgt.uz, uzss@med.uz 2008 йил 26 декабрь — 8 январь № 51-52 (619) Жума кунлари чиқади

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ўқиратли тиббиёт ходимлари!

Сизларни кириб келаётган Янги 2009 йил билан самимий қутлаймиз.

Ҳар бир соҳа мутахассислари амалга оширган ишларининг жамиятимиз ва халқимиз учун нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлигини йил якунида сарҳисоб қиладилар. Шундай экан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилган ишлар ўзининг ижобий маҳсулини бериб, соҳада ютуқли натижаларга эришилди. Айниқса, «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида олиб борилган фаолиятлар келажак авлодлар учун муҳим пойдевор бўлганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликлари боис, ҳар бир соҳада уларнинг иштиёқ ҳамда интилишлари ўз самарасини берди. Фахр билан айтиш мумкинки, тиббиёт тизими тасарруфидаги олий ўқув юрти ва коллежларида таҳсил олаётган талаба ҳамда ўқувчиларнинг дунё миқёсида ўтказилган турли мусобақа ва олимпиадаларда иштирок этиб муваффақият қозонганликларининг ўзи ҳам эртанги тиббиётимиз равнақи йўлидаги муҳим қадамлардан яна бири эканлиги фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Шундай экан, республикада иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш ва уларнинг билим савияларини оширишга қаратилган дастурлар доирасида 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиларидан 2 нафари иштирок этиб, битта олтин ва кумуш медаль соҳиби бўлишлари, албатта, қувонарли ҳолдир. Бунинг баробарида тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ёш, иқтидорли, етук мутахассисларимизнинг илмий салоҳият йўлида олиб бораётган изланишлари ҳам тиббиёт фани ютуқларини янада ривож-

лантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти шундаки, ҳар бир соҳа ривожидagi мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб бериши билан аҳамиятлидир. Зеро, мазкур дастурларнинг тиббиёт ходимлари олдида улкан масъулият юклаши ҳам табиий. Кейинги йилларда тиббиёт тизимидаги фаолиятларга назар ташлайдиган бўлсак, халқ саломатлиги йўлида самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, аҳолининг бирламчи бўғинига ва соҳанинг бошқа йўналишларига кўрсатилган тиббий хизмат сифатининг ошиши, уларнинг моддий-техник базасини янгиллаш, янги технологиялар билан жиҳозлаш, шунингдек, тажрибали мутахассисларнинг астойдил меҳнатлари туфайли касалликларнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Давлатимиз раҳбари 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилган эканлар, ишончимиз комилки, аҳолининг турмуш даражаси қанчалик юксакликка кўтарилса, оилали фаровон, дастурхони тўкин бўлса, эртанги кундан умиди ҳам шунчалар юқори бўлади. Зеро, саломатлик бор жойда тараққиёт ҳам, фаровонлик ҳам бўлиши шубҳасиздир.

Сизларни яна бир бор кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий қутлаймиз. Барчангизга ўзоқ-умр, сиҳат-саломатлик ҳамда Ватанимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган фидойи меҳнатларингизга зафарлар тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.



Пойтахтимиз маркази бугун ҳар қачонгидан кўра гавжум. Чунки, бу ерда бунёд этилган Янги йил арчаси болажонлар кайфиятига чексиз шодлик улашиб, ҳар бир ташриф буюрувчини эртақлар оламига бошлагандек бўлади.

Янги йил арафасида шириндан-шакар фарзандларимиз учун тухфа этилган бундай имкониятлар уларнинг мириқиб дам олишлари, эртақ қаҳрамонлари билан янада яқинроқ бўлишларига имкон яратади. Энг қизиги, Қорбобо ва Қорқизнинг болажонлар ардоғида бўлиб, совға-салом улашиши каттаю кичикни бирдек қувонтиради. Айниқса, арча япроқлари бўйлаб осилган ранг-баранг уйинчоқлар, кечага фэйз берувчи чироклару эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастурлари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмаслиги табиий.

Давлатимиз томонидан ташкил этилган бундай байрам тухфаси Янги йил ўзига хос тарзда қутиб олиншида муносиб совға бўлади.

Азиз мушгарийлар!

2009 йил барчангизга қутлуғ келсин. Кириб келаётган Янги йилимиз эзгуликларга бўйлиб, юртимизда тинчлик ҳукмрон бўлсин. Яхши ниятлар ила бошлаган ҳар бир ишингиз самарали, шунингдек, жамиятимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган фаолиятларингиз янада равақ топсин.

Соғлиқ деган бебаҳо неъмат ва ўзоқ умр доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Тахририят.

Миннатдорчилик

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

Юртимизнинг кўплаб тиббиёт муассасаларида ўз касбининг жонкуяри бўлган шифокору ҳамшираларнинг машаққатли меҳнатлари хусусида гап кетгудек бўлса, уларнинг фидойиликларига тан бермай илож йўқ. Ана шундай касб эгаларини Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида учратиш мумкин.

Бехосдан аҳволим оғирлашиб, мазкур йилнинг ноябрь ойида оғир ҳолатда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлимига олиб келишди. У ердаги тажрибали мутахассислар мени илиқ муомала билан кутиб олишди. Касаллик ташхисини аниқлашган, тезда муолажа ишларини бошлаб юборишди. Уларнинг шошилини кўрсатган тиббий ёрдамлари туфайли касалликдан тезда фориғ бўлдим.

Айниқса, бўлим бошлиғи Маткарим Собиров, ёрдамчи врач Рашидбек Нуруллаев, ҳамширалар Наргиза, Гулнора ва Севарахонлар меҳнатидан бир умр миннатдорман. Шунингдек, яратилган шароит ва имкониятларнинг мавжудлиги ҳам ҳар қандай бемор кайфиятини кўтарди.

Фурсатдан фойдаланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти марказий шифохонаси раҳбарияти ҳамда мазкур бўлимда фаолият олиб бораётган барча тиббиёт ходимларига ўзимнинг дил ташаккуримни билдириб, уларга оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик, чексиз саломатлик тилаб қоламан. Кириб келаётган Янги йил ҳар бирингизнинг фаолиятингизда омадларга бой бўлсин!

Ҳамдам БОБОЖОНОВ,

Корақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани.

УШБУ СОҢДА:

«ЁШЛАР ЙИЛИ» ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА

3-бет

СОВРЕМЕННОЕ ОСНАЩЕНИЕ ДЛЯ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

4-я стр.

Вручение

СОТРУДНИЧЕСТВО ДЛЯ ЗДОРОВЬЯ

24 декабря текущего года в столичном Узэкспцентре компания "Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд." в рамках соглашения с Министерством Здравоохранения Республики Узбекистан передала 7 передвижных рентгено-флюорографических кабинетов на шасси "КамаЗ". На мероприятии приняли участие представители компании, Министерства Здравоохранения Республики Узбекистан и медицинских учреждений страны.



Известно, что уже на протяжении нескольких лет компания "Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд." сотрудничает с нашей республикой. В настоящее время она совместно с НХК "Узбекнеф-

тегаз" реализует крупные проекты.

Помимо своей непосредственной деятельности компания осуществляет благотворительную и спонсорскую поддержку ряду медицинских, образовательных, культурных и социальных учреждений. Ярким примером тому явилась передача рентгеномобилей.

На церемонии старший вице-президент "Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд." С. Никифоров отметил, что данные рентгеномобили должны послужить дальнейшему проведению профилактических мероприятий. А вторую партию из аналогичных установок планируется передать в следующем году. По подсчетам общий объем благотворительной помощи составит 2,7 млн. долларов. В своем выступлении первый заместитель министра здравоохранения Республики Узбекистан А. Икрамов,



благодарив представителей "Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд.", отметил, что парк современных оснащенных рентгено-флюоро-

графических кабинетов на шасси станет нашим помощником в деле профилактики туберкулезных заболеваний в стране.

Несомненно, мероприятие, проведенное 24 декабря, стало большим событием для всех. Ведь здоровье народа – это его развитие и благополучие. И пусть новые рентгено-флюорографические кабинеты на шасси с успехом выполнят свое предназначение – проведение качественной профилактики болезней в республике.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Хамкорлик ришталари

ФАОЛИЯТЛАР САМАРАСИ УЧУН

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун ҳамкорлик муносабатлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода жорий йилнинг 20 декабрь куни Республика Шошинич тиббий ёрдам илмий марказида Япониянинг Оита ҳамширалик иши ва тиббий фанлар университети томонидан юз дона функционал каравотларни топишириш маросимига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири уринбосари Н. Шаронов кириш сўзи билан очиб, Япония ҳукумати билан олиб борилаётган ҳамкорлик иштибоқлари, соҳага кўрсатилаётган эзгу ёрдамлар кўп йиллар давомида халқимиз саломатлиги ва кадрлар тайёрлаш салоҳияти йўлида хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Тсутому Хираока, Оита университети ректори Томоко Кусама, Япония халқаро ҳамкорлик таъкидоти (JICA)нинг юртимиздаги ваколатхонаси бошлиғи Окихико Эжири сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Япония ўртасида тиббий тизимини ривожлантиришга қаратилган мустақам ҳамкорлик, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашга бўлган



этибор ва ҳамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Совға сифатида тақдим этил-

ган ушбу функционал каравотлар эндиликда тиббийёт муассасалари қатори «Хамширалик таълимини ривожлантириш» лойиҳаси ишларига йўналтирилди. Бунда албатта, ҳамшираларнинг амалиётдаги кўникмалари мустақамлашиб, клиникагача бўлган жараён узвий давом этишига асос бўлади.

– Ўзбекистон билан Япония ўртасида олиб борилаётган ҳамкорлик ишларимиз тиббийёт тизими яхшилланишига хизмат қилади. Оита университети томонидан берилган ушбу функционал каравотлар беморлар соғлиғини мустақамлаб қолмай, ҳамширалик ишида амалий кўникма ҳосил бўлишига замин яратди. Умид қиламанки, амалга оширган ишларимиз яқин келажакда ўз самарасини беради. – дейди Япониянинг Ўзбекистондаги

Фавкуллода ва мухтор элчиси Тсутому Хираока.

Намоз ТОЛИПОВ.
Муаллиф олган суратлар.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Яқунланаётган йилимиз барча соҳалар қатори тиббийёт тизимида ҳам ўзига хос янгиланиш ва ўзгаришларга сабаб бўлди.

Хусусан, республикамизнинг чекка ҳудудларида фаолият юритаётган кишлоқ врачлик пунктлари бўлган эътибор тўғрисида аҳоли саломатлигини яхшилаш ишлари ривожланиб бормоқда. Яқинда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Шоберди» кишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Худди шундай анжомлар билан таъминланган Капаянги кишлоғидаги таянч пункти эса ҚВПга айлантирилди. Яна шуниси муҳими, маъмур тиббийёт муассасаларида ишлаётган шифокорлар ўз касбий йўналишлари бўйича малака ошириб, самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

Круглый стол

РЕЗУЛЬТАТЫ УСПЕШНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

25 декабря 2008 года в конференц-зале гостиницы Dedeman Silkroad проводился круглый стол с участием представителей Министерства здравоохранения, Всемирной Организации здравоохранения (ВОЗ), Всемирного Банка (ВБ), а также многих других организаций. Главная задача, стоявшая на повестке дня, заключалась в обсуждении результатов исследования, проведенного в марте апреле текущего года по методу LQAS, посвященного определению значения показателей процесса, знаний и влияния программы обогащения муки, а также информации о разработке законопроекта по ее фортификации. Мероприятие было открыто вступительной речью заместителя министра здравоохранения А. Камиллова.

Большинство из нас знает о том, что в 2004 году Министерством здравоохранения Республики Узбекистан получило грант от Глобального альянса по улучшению питания (ГАУП) на реализацию проекта «Национальная программа по фортификации муки». Цель программы заключалась в снижении уровня заболеваемости анемией среди женщин репродуктивного возраста. Согласно данным медико-демографического исследования (МДИ), уровень заболеваемости данной болезнью в 1996 году составлял 60%. Таким образом, специалисты, составившие программу нового исследования, своей конечной целью видели снижение уровня заболеваемости как минимум на 12%, то есть доведение его до 48%. Задачи, которые были поставлены для достижения конечной цели заключались в обогащении муки первого сорта, ежедневно потребляемой в пищу, такими полезными веществами, как железо, фолиевая кислота, цинк, ниацин, а также витаминами В и В₁₂.

Проведенное исследование, сбор данных по которому занял более месяца активной работы (с 17 марта по 26 апреля) было очень масштабным, и в нем было задействовано 20 команд: 10 супервайзеров – специалистов, контролирующих и регулирующих ход процесса.

Описываемая встреча за круглым столом была посвящена обсуждению результатов данного исследования. Стоит заметить, что результаты порадовали всех присутствующих. Уровень распространенности анемии в стране со-

ставляет 32%, что заметно ниже в сравнении с результатом, полученным МДИ в 1996 году. Налицо факт усердной работы, которая увенчалась настоящим успехом. В ходе исследования было выявлено, что Сурхандарьинская область является местом, где наблюдалось самое высокое количество женщин с низким уровнем гемоглобина (49%), а наименьшая по сравнению с остальными регионами республики распространенность анемии, наблюдалась в Джизакской области (24%), городе Ташкенте (25%) и Ферганской области (27%).

В заключении хотелось бы упомянуть о рекомендациях, которые были разработаны со стороны специалистов, принимавших участие в данном исследовании. Было предложено дальнейшее осуществление программы, учитывающая результаты оценки и опираясь на приоритетные участки наблюдения для каждого показателя. Для достижения долгосрочных результатов планируется разработка законодательной базы для программы обогащения муки и передача ее на рассмотрение в парламент. Теперь в планах организаторов намечено обогащение муки не только первого, но и высшего сортов. Естественно, что будет продолжено дальнейшее сотрудничество с НИИ Гематологии и переливания крови, ЮНИСЕФ и других организаций для повышения знаний женщин о железо-дефицитной анемии и обогащении муки и хлеба. Повторное проведение подобного исследования намечено на 2011 год.

Таким образом, мы видим положительные результаты проведенного исследования. Особенно радостным и обнадеживающим является тот факт, что данный проект «Национальная программа по фортификации муки», созданный и поддерживаемый различными организациями, вносит большой вклад в сохранение и улучшение здоровья жителей нашей страны.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

«ЁШЛАР ЙИЛИ» ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА

Хар йилнинг ўзига хос номда аталиши ҳамда унинг замирида давлатимиз тараққиёти ва ривожланишининг муҳим асоси уйғун ётганлигини соғлиқни сақлаш тизими йўналишидаги кўпгина амалий фаолиятлар негизида ҳам кузатишимиз мумкин. Мазкур йўналишда газетамиз саҳифаларида йилнинг энг муҳим воқеалари ва янгилликлари чоп этиб келинди. Шу маънода эътиборингизга ушбу тadbирларнинг қисқача мазмун-моҳиятини ҳавола этамиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси эълон қилинди. Жумладан, маърузада аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилиб, соҳада тиббий хизматни янада яхшиланганлиги, биринчи навбатда врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан аҳолини тиббий хизмат кўрсатиш билан қамраб олиш даражаси кенгайгани, ўткир юқумли ва вирусли касалликларга қарши кураш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳамда кенг қўлланми ислохотлар сарҳисоб қилиниб, таҳлил этилди.

2. 2008 йилни «Ёшлар йили» деб қабул қилиниши муносабати билан газетамиз саҳифаларида «Ёшларга қанот бўлайлик» номи остида янги руҳ ташкил этилди. Ушбу мақолада Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармасининг таълим грантлари дастури голибларнинг фаолияти, келгусидаги режалари ва истикболли лойиҳалари тўғрисида ҳикоя қилинади.

3. Жорий йилнинг дастлабки ойда Президентлигимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича тизимда олиб борилаётган ислохотлар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров билан суҳбат уюштирилган. Унда асосий эътибор аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини ривожлантириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва бу йўналишда амалга оширилаётган ишларга қаратилган.

4. «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Ўзбекистон

маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро давра суҳбати ёшларнинг туризм соҳасидаги янги ташаббусларига бағишланди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур тadbирда халқаро экспертлар ва мутахассислар ҳам иштирок этди.

5. 24 март – Бутунжаҳон силга қарши курашиш кунли муносабати билан жойларда кўпгина амалий тadbирлар уюштирилиб, мутахассислар иштирокида долзарб мавзудаги материаллар эълон қилинди. Жумладан, Республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг директори А. Убайдуллаев билан силга қарши курашишнинг янги йўналишларига бағишланган суҳбат чоп этилди.

6. Март ойининг бошларида республикаимизда Орол муаммолари ва унинг аҳоли генетики, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тadbирда Орол денгизининг қуриб бориши ва унинг оқибати экологийнинг издан чиқиши, аҳоли саломатлигига кўрсатаётган жиддий таъсири ва бу борада халқаро ҳамкорликнинг асосий ўрни тўғрисида сўз борди.

7. Жорий йилнинг 14-17 март кунлари Туркия давлатининг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган «1-Халқаро саломатлик туризми» мавзусидаги Конгрессда тахририятимиз ходими иштирок этиб, мамлакатимизда саломатлик туризмининг шакллантиришга доир чора-тадбирлар юзасидан маъруза қилди. Бундан қўзланган асосий мақсад давлатларда саломатлик туризми соҳасини ривожлантириш орқали инсонлар саломатлигини яхшилаш, мустаҳкамлаш ҳамда керакли шарт-шароитларни яратиб беришни жадаллаштиришдан иборатдир.

8. Хабарингиз бор, 7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик кунли сифатида эътироф этилади. Ушбу сана муносабати билан Андижон вилоятида ташкил этилган «Саломатлик сайли»да барча ёшдаги аҳоли фаол қатнашиб, вилоятдаги мавжуд тиббиёт муассасалари фаолияти, тажрибалари, аҳолига қўрсатилаётган хизмат турлари билан яқиндан танишиш, шифокор кўриги ва маслаҳатларидан унумли фойдаландилар.

9. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 2-Республика тиббиёт коллежида «Ёшлар

йили» Давлат дастурини соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида татбиқ этилишига доир илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Йўналишда сўзга чиққанлар мамлакатимиз ёшларини тарбиялашда таълим муассасаларининг ўрни, айниқса, уларнинг интеллектуал салохиятини оширишда бир қатор тadbирларнинг ўтказилаётганлиги, замон талаблари даражасидаги таълим стандартларининг амалиётга олиб қилиниши тўғрисидаги муҳокамада иштирок этдилар.

10. Апрель ойида доимий анъанага мувофиқ ўтказиб келинаётган «Хамшира» кўрик-танловининг Республика босқичи Бухоро вилоятида ўтказилди. Танловда бири-бирдан қаққон, истеъдодли хамширалар ўзаро беллашиб, голиблик шохсупаси сари интилдилар. Адолатли ҳайъат аъзоларининг тақдим этган натижаларига кўра, биринчи ўрин Бухоро, иккинчи ўрин Тошкент вилояти ва учинчи ўрин Тошкент шаҳрига насиб этди.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сайёр ҳайъат йиғилиши жорий йилда Навоий вилоятида ташкил қилинди. Унда тизимдаги амалий ишлар сарҳисоб қилиниши билан бирга, вилоят экология диспансерининг янги биносини топшириш маросими бўлиб ўтди.

12. Республикада иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш ва уларнинг билим савияларини оширишга қаратилган дастурлар доирасида Халқаро Менделеев олимпиадасининг ўрни ниҳоятда катта. Ушбу 42-Халқаро Менделеев олимпиадасига республикаимиз таълим муассасаларида Тошкент Педиятири тиббиёт институтини хошидаги академик лицей ўқувчиларининг иштирок этиб, битта олтин ва кумуш медал соҳиб бўлишлари, албатта, қувонарли ҳолдир.

13. Йилнинг энг яхши тadbирлари сирасига киритилган МДХ давлатлари онколог ва радиологларнинг V Съезди чинакам маънода мутахассисларнинг фан тараққиётини юксалтиришдаги изланишларига бош омиб бўлди. Кўтаринкилик руҳида ўтказилган мазкур Съездда ўсма касалликларининг олдини олиш ва эрта тахсис қўйиш амалиётига эътибор қаратилди. Кўплаб секцияли йиғилишларда онкология ва радиологиядан янги технологиялар, ўсма касалликларини комплекс даволашнинг долзарб масалалари мукамал ёритилди ва муҳокама этилди.

14. Республикаимизда анъанага мувофиқ 12 май – Халқаро хамширалар кунли сифатида кенг нишонланди. Шу муносабат билан жойларда амалий тadbирлар, давра суҳбатлари ва байрамлар ўтказилди. Жумладан, хамширалар фаолияти бўйича Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Форум

ушбу тadbирларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

15. «Баркамол авлод – 2008» спорт мусобақалари бу йил Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди. 20 май кунли Нукуснинг «Турон» стадионида бўлиб ўтган мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри ва учинчи ўрин эса Фарғона вилояти ёш спортчиларига насиб этди. Энг қувончлиси, барча голибларга Президент совғаси – ДАМАС автомобили тақдим этилди.

16. 26 июнь – Гиёҳвандликка қарши кураш кунли олдидан газетамиз саҳифаларида долзарб мавзудаги мақолалар чоп этиб борилди. Мазкур йилимиз доирасида ҳам мутахассисларнинг гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган материаллари чоп этиб келинди.

17. Бу йил «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинганлигига 60 йил тўлди. Президентимизнинг мазкур йўналишдаги Фармонига мувофиқ жойларда кўплаб амалий тadbирлар ўтказилди. Жумладан, босма оммавий ахборот воситаларида ҳам мавзунинг кенг қўламда ёритишга доир танловлар эълон қилинди. Газетамиз саҳифаларида эса мунтазам равишда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи муаллифлик мақолалари чоп этилди. Хусусан, «Болалар ҳуқуқининг мақсади кафолати», «Беморлар қандай ҳуқуқ ва имтиёزلарга эга», «Инсон ҳуқуқи ва манфаатлари олий қадрият» сингари материаллар шулар жумласидан ҳисобланади.

18. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида юртимиз спортчилари 29-ёзги Олимпия йўналишларида қатнашиб фохрли ўринларни қўлга киритиб қайтдилар. 8-9 август кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган олимпиадада 58 нафар юртдошимиз спортнинг 15 тури бўйича ўзаро беллашиб, Ватанимиз шарафини ва миллатимиз истикболини яна бир қарра намоён этдилар.

19. Тиббиётимиз равақига ва халқимиз фаровонлигини яхшилашда халқаро ҳамкорликнинг ўрни катта ҳисобланади. Жорий йилнинг бошида Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги

(KOICA) билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ доллари бўлган грант шартномаси имзоланган эди. Ушбу мақсадли лойиҳага мувофиқ ҳамкорлар томонидан ХУНДАЙ русумли 110 та шошилиқ тез тиббий ёрдам машинаси топширилди. Айни кунда ушбу тезюрар машиналар аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

20. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис, ҳар йили тиббиёт тизимига ушбу йўналишдаги фаолиятларни чуқурлаштириш мақсадида турли мавзудаги анжуманлар, семинар-тренинглар ўтказилди. 16 сентябрь кунли акушер-гинекологларнинг VI Съезди бўлиб ўтди. Тadbирда аёллар орасидаги касалликларнинг олдини олиш, тахсис қўйиш ва даволашнинг кўплаб илгор усуллари ва воситалари, ҳомиладор аёлларда учраётган қанқонлик, бепуштлиқ, йод ва буйрак етишмовчилиги сингари хасталиклари даволашда қўлланилаётган мавжуд замонавий технологиялар хусусида сўз юритилди.

21. Хар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси «Тиббиёт ходимлари кунли» сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан соғлиқни сақлаш тизими ходимларидан бир гуруҳи «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишон билан тақдирланди. Бўлиб ўтган байрам тadbiri тиббиёт ходимлари фаолиятида ўзига хос мазмун-моҳият ва эътибор касб этади.

22. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида 2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Унда қишлоқда яшовчи аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш ва манфаатларига хизмат қилиш, қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштириш боробарида аҳоли саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ибодат СОАТОВА.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Семинар

СОВРЕМЕННОЕ ОСНАЩЕНИЕ ДЛЯ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

С 15 по 20 декабря в Ташкенте проходил клинический курс для врачей неонатологов и неонатальных медсестер на тему "Клиническое использование медицинского оборудования в неонатальной практике", осуществляемый в рамках проекта "Укрепление здоровья женщин и детей" Азиатского банка развития (АБР), при поддержке Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, Посольства Великобритании в Узбекистане, а также английской неправительственной организации "HealthProm".

Всем известно, что неонатология является разделом педиатрии, посвященным особенностям физиологии и болезням новорожденных. Вникнув в смысл этих слов, можно сделать вывод о том, что именно врач-неонатолог является первым врачом в жизни человека, и во многом последующая жизнь каждого индивида напрямую связана с неонатологами, в частности, с уровнем их подготовки и профессионализма. Специалист, держащий в руках человека, начавшего свой жизненный путь всего несколько месяцев назад, должен обладать не только большим набором теоретических знаний, но прежде всего умением применять данные знания на практике. Процесс модерниза-

ровано в том, чтобы специалисты квалифицированно подходили к использованию этого оборудования. Минздрав, а также организация HealthProm, уже на протяжении 10 лет вносит большой вклад в укрепление системы материнства и детства в Узбекистане, помогли в разработке плана данного курса и привлечении международных экспертов, в том числе экспертов Всемирной организации здравоохранения. Курс по использованию медицинского оборудования в неонатальной практике ранее не проводился. Данный курс проводится на учебной базе Республиканского перинатального центра, в котором имеется все необходимое оборудование. Помимо этого, в течение двух дней осуществлялся выезд в Ташкентскую область, в пери-

пользовать данные виды оборудования не только технически, но и с клинической стороны, то есть осваивают случаи использования того или иного аппарата, его режимы и настройки, протоколы и многие другие клинические компоненты. И мы хотим добавить, что именно такое эффективное сотрудничество порождает успешную результативную деятельность. Организаций много, и все они сами по себе очень значимы, но только объединившись, можно достичь существенных изменений в медицине, в частности, в сфере неонатологии.

Узнав от организаторов семинара обо всех его подробностях, мы решили обратиться со своими вопросами к людям, принимавшим участие непосредственно в самом процессе обучения. Тренер и участники поделились с нами своими мыслями.

П. МАЗМАНЯН,
эксперт европейского
бюро ВОЗ в области
неонатологии,
тренер:

– Зарождению идеи о проведении подобного семинара

да в неопытных руках может стать источником вреда для пациента. Таким длинным путем мы пришли к сегодняшнему дню. Мы уделили большое внимание именно практической стороне наших занятий, организовав поездку в перинатальный центр города Чирчика. Там, взаимодействуя с техникой напрямую, участники могли использовать полученные ранее знания. Техника, предоставленная Узбекистану со стороны Азиатского банка развития, представляет собой новейшие современные аппараты, работать на которых одно удовольствие. Мы имеем большой опыт работы в Европе, и я не могу не оценить уровень тех аппаратов, которые есть в вашей стране, – они полностью соответствуют европейским стандартам. Осталось только одно – научить узбекских докторов работать с ними.

Х. МУХАМЕДОВА,
заведующая кафедрой
неонатологии ТашИУВ,
участник семинара:

– Семинар проводится впервые, и он направлен на обучение работающих неонатологов и неонаталь-

сомнений, это даст свои положительные результаты в плане сохранения здоровья наших маленьких пациентов.

Т. ТУКЕЕВА,
главный неонатолог
Ферганского областного
перинатального центра,
участник:

– Мы проходили курсы, посвященные другим темам, но курс на тему медицинской аппаратуры для нас явился настоящим открытием. По проекту АБР к нам поступило большое количество новой техники, дорогостоящей, современной, но мы не умели ею пользоваться. Приходили техники, объясняли как включать, выключать аппарат, но именно его клиническое применение может объяснить только врач-профессионал, который имел опыт применения таких аппаратов при работе с маленькими детьми. Мы извлекли много нового для себя из этого курса, и дальше будем стараться передавать эти знания своим коллегам на местах. Тренеры очень опытные, и несмотря на то, что аппаратура сама по себе очень сложная, мы легко усваиваем информацию,



ции ускоряется год от года, результатом чего становится большое разнообразие нового медицинского оборудования, порождающее потребность в немедленном изучении правил его использования. Вот здесь мы и сталкиваемся с актуальностью описываемого курса, главной целью которого стала выработка навыков работы с новой медицинской техникой у неонатологов и неонатальных медсестер. Более подробно об этом нам рассказали организаторы семинара.

Н. КАРАБАЕВА,
координатор проекта АБР
"Укрепление здоровья
женщин и детей":

– В рамках инвестиционного проекта Азиатского банка развития "Укрепление здоровья женщин и детей", который реализуется в Республике Узбекистан с 2005 года, родильные учреждения республики оснащаются современным медицинским оборудованием для оказания квалифицированной помощи как детям, так и женщинам во время беременности, родов и послеродового периода. Первое высокотехнологическое оборудование поступило к нам в марте этого года, и на сегодняшний день 96 учреждений родовспоможения шести пилотных регионов проекта имеют базовое оборудование для оказания интенсивной терапии новорожденным. После поставки оборудования появилась потребность у медицинских работников в повышении их навыков по эффективному использованию данного оборудования. Министерство здравоохранения было заинтере-

сован, чтобы каждый участник из реальных условий мог апробировать полученные здесь знания.

С. БРИТЕН,
Б. УМАРОВА,
представители
организации HealthProm:

– Много организаций было задействовано в осуществлении данного события, но, тем не менее, Министерство здравоохранения является ведущей силой проекта. Фактором, побуждающим Минздрав действовать столь активно, несомненно, является желание максимально снизить уровень смертных случаев среди новорожденных. У каждой организации, принимавшей участие в осуществлении данного семинара, были свои обязанности и задачи. Например, Министерство здравоохранения занималось отбором участников, определением уровня их соответствия необходимым критериям. Наша организация, руководствуясь определенными правилами, отбирала тренеров. Отобранные нами тренеры в свою очередь сами готовили учебный материал. На нынешней секции занятия для докторов обучают использованию медицинского оборудования. Сюда приехали врачи и медицинские сестры из шести областей республики. Мы пригласили двух экспертов международного уровня, которые являются представителями ВОЗ. Помимо теоретических, мы организовываем для участников практические занятия, на которых они смогут непосредственно поработать с оборудованием, поставленным в рамках проекта АБР. Что немаловажно, они узнают ис-

предшествовали события, происшедшие в области материнства и детства в Узбекистане, длительная активная работа. Она началась с вопросов грудного вскармливания, основ ухода за новорожденными. В дальнейшем были проведены многочисленные семинары по реанимации новорожденных, и только после этого, получив основные знания, возникла необходимость в тренинге о знаниях оборудования. Мы проводили опросы среди участников наших предыдущих тренингов, в которых спрашивали об основных факторах, препятствующих свободному применению полученных ранее знаний на практике. На что около 60% опрошенных в качестве основного отмечали фактор отсутствия навыков по использованию оборудования. Анализируя результаты опросов, было принято решение организовать семинар, направленный непосредственно на обучение использованию новых медицинских аппаратов. Следует отметить, что подобного рода семинаров на сегодняшний день не существует, и всем, кто принимал участие в организации семинара, приходилось начинать с нуля, так как мы не имели никакой базы и опоры в лице предшественников. Не упуская из внимания важные моменты, мы старались учитывать уровень имеющихся у областных специалистов знаний, аппаратуру, которая будет у них под рукой. Мы руководствовались в первую очередь безопасностью аппаратуры, так как будущи врачами мы должны помнить о принципе "не навреди", ведь не секрет, что орудие тру-

ных медсестер работе с аппаратурой. Для нас как для участников все вопросы, рассматриваемые здесь, являются очень актуальными и интересными. Среди аппаратов, которые были поставлены в нашу страну в рамках проекта, – кюветы для транспортировки, реанимационные столики, лампы для фототерапии, пульсоксиметры, а также аппараты для проведения ИВЛ. Нас сначала обучали теории использования, а потом мы подтверждали все это на практических занятиях, которые состоялись в Чирчике. Работа с такой техникой – это нечто новое в нашей практике, поэтому вся практическая деятельность проходила под надзором тренеров, которые терпеливо объясняли, если мы что-то делали не так. Все это довольно интересно, более того, это еще и положительный опыт. Особенно хороший момент, очень удачно продуманный организаторами, – это привлечение медицинских сестер в рамках данного семинара, так как зачастую на медсестру также накладывается большая работа. Без

которую они нам преподносят.

В субботу 20 декабря состоялось закрытие пятидневного семинара и торжественное вручение сертификатов участникам. В качестве специальных гостей на церемонии выступили заместитель министра здравоохранения А. Камилов и Почетный в делах Посольства Великобритании Хью Тейлор, которые поздравили участников, тренеров и организаторов мероприятия с успешным его завершением, подчеркнув необходимость сотрудничества с такими крупными организациями для достижения поставленных целей. По их мнению, обучение тренеров является одним из самых эффективных путей передачи информации, и участники, являющиеся носителями этой информации, должны в виде эстафеты передавать полученные знания своим коллегам. Помимо этого, каждому участнику были вручены сертификаты, являющиеся документальным подтверждением пройденной недели.

О результатах непрерывных реформ, осуществляемых в системе здравоохранения, в большинстве случаев можно судить, глядя на техническое оснащение медицинских учреждений. Как видно из слов тренеров и организаторов, имеющаяся в родильных домах аппаратура действительно отвечает всем требованиям и стандартам, что, несомненно, отразится на плодах нашей деятельности. Таким образом, насыщенная неделя, богатая изобилием теоретических и практических знаний, подошла к своему логическому завершению. Тренеры улетают в свои страны, участники возвращаются в свои области. Но каждый из них, вернувшись в свою обычную жизнь, став еще богаче и выше в информационном плане, будет планировать свою дальнейшую профессиональную деятельность, исходя из тех знаний, обладателем которых он стал.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

Назария ва амалиёт

АМАЛИЙ КЎНИКМА ВА КАСБИЙ МАҲОРАТ ҲИССИ

Маълумки, республикаимизда 2005 йилдан буён Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги 96 та туғруқ муассасаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бундан қўзланган асосий мақсад оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилашдир. Эндиликда мазкур технологиялар билан ишлаётган мутахассислар малакасини ошириш, уларда касбий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш вазифалари муҳим ўринга эга бўлмоқда.



Мавжуд талаб ва эҳтиёжни самарали амалга ошириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Буюк Британиянинг "Health-Pror" ташкилоти ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертлари томонидан неонатологияда тиббий технологиялардан самарали фойдаланишга қаратилган олти кунлик ўқув курси ташкил этилди.

Ўтказилган мазкур семинар-тренинг асосан амалиётга йўналтирилган бўлиб, иштирокчилар даставвал тўрт кун Республика Перинатал марказида назарий томондан билимларини бойитдилар. Қолган икки кун мобайнида эса улар Чирчиқ шаҳар перинатал марказида амалий машғулотларни мукамал ўзлаштирдилар. Ҳозирги вақтда лойиҳа доирасидаги барча туғруқ мажмуалари имфузион насос, чақалоқларни интенсив даволаш учун реанимация столи, мони-

тор, инкубатор, транспорт инкубатори, ўпкага сунъий ҳаво бериш аппаратлари билан тўлиқ жиҳозланган. Жумладан, Чирчиқ шаҳар туғруқ мажмуасидаги шарт-шароитлар бундан мустасно эмас. Жорий йилнинг март ойида олиб келинган мазкур асбоб-ускуналардан бугун ёрдамга муҳтож, туғруқ пайтида муаммоларга учраган болалар саломатлигини яхшилаш йўлида унумли фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа ўз фаолиятини бошлаган пайтда олтига вилоят эксперт тарикасида олинган эди. Эндиликда бу жараён бошқа вилоят ҳудудларида ҳам олиб борилиши режада белгилаб қўйилган. Шунга қарамастан лойиҳа ташкилотчилари мавжуд имкониятларни кўпроқ тажрибали, етук мутахассислар тайёрлашга қаратмоқдалар. Чунки, хорижда ишлаб чиқарилган тиббий технологиялар билан сирла-

шиш, ундан амалиётда тўғри фойдаланиш ҳар бир тиббиёт ходимидан етарли билим ва касбий маҳоратни талаб этади. Шундай экан, тизимда узлуксиз таълим самарадорлигини ошириш, касбий малакани бойитиш бирламчи вазифалардан бири ҳисобланади.

— Бу йўналишда аввал ҳам семинарларда иштирок этгандим. Лекин бизда назарий билимларни амалиётга боғлаб ўрганиш имконияти камроқ эди. Хорижий экспертларнинг замонавий технологияларни тўғри ишлатиш ва мақсадли фойдаланишга қаратилган машғулотлари орқали эса ўз билимларимизни янада мустаҳкамладик. Туғруқ мажмуамиз-

да ушбу асбоб-ускуналарнинг барчаси мавжуд. Аммо бу борадаги билимларимиз етарли бўлмагани учун меҳнат фаолиятимизда баъзи муаммоларга дуч келардик. Ўтказил-

ган ўқув курси давомида самоволларимизга мутахассислардан қоникарли жавоб олдик, — дейди Бухоро вилояти перинатал маркази неонатолог Мухайё Остонава.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бу йўлда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қолаверса бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигидаги фаолияти туфайли оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари ижобий томонга яхшиланиб бормоқда. Хусусан, неонатолог шифокор ва ҳамшираларнинг билими ҳамда касбий маҳорати бу жараёнларнинг мақсадли бардавом бўлишида ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонамиз.

Намоз ТОЛИПОВ.



Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишхотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Тиббиёт ва ҳуқуқ

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КОНСТИТУЦИЯ БИЛАН КАФОЛАТЛАНГАН

Маълумки ҳар бир давлат ўз конституциясига эга. Конституция деярли барча йўналишдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий қонундир. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам барча муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топади. Масалан, Конституциянинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳуқуқий нормани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, 1996 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан фуқароларнинг соғлигини сақлашга оид ҳуқуқлари янада кафолатланади. Масалан, қонуннинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эга эканлиги, ёши, жинси, ирки, миллати, тили, динига муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ҳаётий ва ижтимоий маъқеадан шайъи назар, фуқароларнинг соғлиғи сақланиши таъминланишига белгилаб қўйилди. Энг асосийси ушбу қонуннинг 24-моддасида беморларнинг ҳуқуқлари аниқ-ойдин белгилаб қўйилди. Айнан мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш орқали фуқароларнинг малакали тиббий хизматга бўлган ҳуқуқлари кафолатланади.

Ушбу ҳуқуқларга қуйидагилар қиради:

- тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг

ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари;

- шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

- санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шaroитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларни консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;

- тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;

- тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

- ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек, соғлиғининг ҳолатига доир маълумотларни унинг маффаатини кўзланган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;

- ихтиёрий тиббий сугурта доирасида тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;

- тиббий ёрдам кўрсатиш вақ-

тида соғлиғига зарар етказилган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда қопланиши;

- ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилиши.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсга, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш жараёни давом этмоқда. Бу борада сўнгги вақтларда бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Масалан, 2007 йилнинг 2 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг асосий жиҳатларидан бири шуки, унда ҳусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш масаласига жиддий эътибор берилди.

Масалан, қарорнинг саккизинчи бандида, ҳусусий тиббиёт муассасалари қуйидаги мажбурий талаблар ва шартларни бажарган тақдирда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлиги қатъий белгилаб қўйилди:

- тиббиёт муассасаси даволаш фаолиятини фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган

рўйхатга биноан муайян турдаги ихтисос йўналиши бўйича амалга оширади;

- диагностика ва даволаш асбоб-ускуналаридан иборат замонавий моддий-техник базанинг мавжудлиги;

- муассаса шатида турган, тегишли ихтисос йўналиши бўйича малака тоифасига эга бўлган юқори малакали врач мутахассислар диагностика ва даволаш фаолиятини мустақил равишда олиб бориши;

- тиббиёт муассасаси фаолиятини фақатгина даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган бино ва хоналарда ташкил этиши.

Хусусий секторда тиббий фаолият кўрсатувчи ҳўжалик юртувчи субъектларга бундай талаб ва шартларнинг қўйилганлиги ўз-ўзидан фуқароларнинг малакалий тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларини янада кафолатлаб берди. Масалан, авваллари ҳусусий секторда малака тоифасига эга бўлмаган врачлар фаолият кўрсатишлари мумкин эди. Эндиликда эса малака тоифасига эга бўлган врачгина ҳусусий секторда меҳнат фаолиятини амалга ошириши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан ҳусусий секторда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошишига олиб келади.

Муродулла ХАЙТБАЕВ,
Темури ИСАКОВ,
Тошент Давлат
юридик институти
«Ҳўжалик ҳуқуқи ва
жараёни» кафедраси
ўқитувчилари.

Обуна — 2009



«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2009 йил учун обуна бўлиш мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.

Халқ саломатлиги йўлида

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШИФОКОР

Хар сафар Самиг ака билан учрашиб қолсам, албатта, қуюқ салом-аликдан сўнг, самимият билан отам — чин маънодаги шифокор Мирали Мирхожиевни хотирлар, у кишидан сабоқ олганидан, эл қорига ярайдиган олижаноб касб эгаси бўлиб етишганидан мамнунлигини фахр билан тилга оларди.

... 50-йилларнинг ўрталари, ўша кезларда отам ТошМИ (ҳозирда Тошкент Тиббиёт академияси)нинг анатомия кафедрасида ассистентлик қилиб, талбаларга дарс берар эди. Мен эндигина мактабга борган пайтим, яхши эсимда, бўлғуси шифокорлар тоғам Шосалим Музаффаров ва Самиг ака Маннонов тез-тез ҳовлимизда меҳмон бўлиб туришарди. Унинг одамоҳунлиги, аинқиқа, тез тил топишиб кетиши, кўзларида порлаб турган меҳр нури бизни ўзига тортарди. Самиг аканинг илмий изланишлар қилгани, болалар ортопеди ва травматологи сифатида фаолият кўрсатиб, қанчадан-қанча болаларга саломатлик улашганини яхши билар эдик. Бу ҳақда отам кўп гапирар, бирор кимса бел оғриги ёки сколиоз (умуртқаларнинг нотўғри ривожланиши натижасида юзга келадиган касаллик)га даво истаб мурожаат қилган кезларда, албатта, Самиг ака Маннонов деган тажрибали шифокор бор, шунга учрашнгилар, деб тавсия қилардилар.

Мана шунга ҳам ярим асрдан ошибди. Самиг ака ўз касбининг устаси бўлгани боис, ҳеч қачон изланишдан толмади, одамларга нафи тегар деган ниётда, оғир хасталик ҳисобланган сколиозни даволашда ва унинг олдини олишга доир кўплаб тадбирларни

ишлаб чиқишда иштирок этди. Бу соҳага оид кўплаб мақола-лар ёзди. Қўйинг-чи, касалликни профилактика қилиш билан боғлиқ қандай ишлар бўлмасин, республика миқёсида ҳаммасини тўлиқ бажаришга интилди.

— Кейинги пайтларда асосан кекса ёшдаги одамларда кўпроқ учрайдиган остеохондроздан (суяк ва тоғай тўқималарида озиқланишнинг бузилиши натижасида тўқималарнинг ўзгариши) ёшлар ҳам шикоят қилишмоқда, — дейди С. Маннонов. — Бу касаллик сурункали бўлиб, аҳоли орасида ногиронликнинг кўпайишига олиб келмоқда. Инсоннинг умуртқа поғонаси ниҳоятда барқамол механизм сифатида яратилган. Ички аъзолар ва барча сезиш аъзоларининг иши айнан мана шу умуртқага боғлиқ. Остеохондроз шу аъзоларнинг касалликларини ва асинча, бу аъзоларнинг касалликлари остеохондрозни келтириб чиқариши мумкин. Бел-думгаза остеохондрозидан асосан бел оғриғиди, оғриқ оёқнинг орқа юзасига тарқалади. Касалликни вақтида даволамаса сурункали тусга айланиб, одам совуққотганида, жуда оғир иш қилганида, асабийлашганида, жисмоний жиҳатдан зўриққанида ва бошқа ҳолатларда бел ҳамда оёқ оғриғи зўрайди. Одам умуртқа поғонасининг — сколиоз (ёнга), лордоз (олдига) ва кифоз (орқага) қийшайишига қараб уч

хили фарқланади. Сколиоз тугма бўлиши мумкин, лекин кўпроқ мактаб ўқувчилари орасида учрайди. Дарс пайтида ўқувчилар партада гавдасини нотўғри тутиб ўтириши натижасида умуртқа поғонаси ва мушакларига оғирлик бир хилда тушмайди. Оқибатда мушаклар бўшашиб қолади. Болаларнинг ёшлиғида рахит бўлганлиги, катта ёшдагилар эса доимо бир қўлда юк кўтариши ҳам сколиозга олиб келади. Умуртқа поғонасининг барча хил нуқсонларини олдини олишда болаларни ёшлигидан қадди-қоматини тўғри тутишга ўргатиш, тана мушакларини мустаҳкамлайдиган мажмуий машқларни ҳар кун бажариб туришга ўргата бориш лозим. Ёш болаларни оғир меҳнатга жалб етишда, юк кўтаришда, уларнинг ёшлик хусусиятларидан келиб чиқиб, меъёрга эътибор бериш, бошланғич синф ўқувчиларини партада тўғри ўтиришга ўргатиш, мактаб ёшидаги ўсмирлар эса мактаб шифокорлари томонидан назорат қилиниб, статик ўзгаришларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари қўрилиши керак.

С. Маннонов институтни битиргач, 60-йилларнинг бошларидан Ортопедия ва травматология илмий-текшириш институтида иш бошлаб, илмий фаолият билан шуғулланишга астойдил бел боғлайди. Москвада аспирантурани ўтаб қайтгач,



1967 йили "Бўғим олди синишларида бўғимдан сим ўтказиб маҳкамлаш" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилади. Бугунги кунда кексалик гаштини сураётган бўлишларига қарамай Самиг ака 2-Тошкент тиббиёт академиясининг қўл-бармоқ бўғимлари марказида фаолият кўрсатиб келмоқда. Умри-ни одамлар саломатлигини муҳофаза қилишга бахшида қилган бу олижаноб инсон ушбу шарафли касб этакини тутганидан кам бўлмади. Доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, ҳукуматимизнинг кўплаб орден-медаллари нишондори бўлган Самиг Манноновнинг сира тиними йўқ. Шифохонадаги кундалик фаолияти уйда беморларни қабул қилиш билан узвий боғланиб кетади. Унинг енгил қўлларидан шифо топиб кетаётган маҳалладошлари ҳам камтарин инсонни эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйиб келишмоқда.

Самиг ака Маннонов неча йилларки, ҳамкасби, раҳбари, сафдоши бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Шаҳоб Шамсиевич Ҳам-

роев билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Уларнинг узоқ йиллик дўстлигига ҳамма ҳавас қилади. Бу икки моҳир касб усталари қўлидан минглаб беморлар шифо топиб кетишди. Ҳа ана шундай инсонлар қалбига яқин бўлиб қолган самимий, қалби пок, камтарин ва ажойиб мутахассисларимиз билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Дарҳақиқат, биз яшаб турган сайёрада Самиг ака Манноновдек олижаноб одамлар бор экан, бордингизга шукр дейиш билан кифояланамиз. Зеро, одамлар таъшиши билан яшашнинг ўзи ҳам бир бахт!

Ажойиб инсон Самиг ака қутлуг 75 ёшни нишонлаш арафасида эканлар, у кишини таваллуд кунлари билан қўлаб, битмас-туганмас соғлиқ-саломатлик, шижоатига ривож ва узоқ умр тилаб қоламиз.

Миржало Миралиев.

СУРАТДА: доцент Самиг Маннонов ҳамкасби, профессор Шаҳоб Ҳамроев билан навабдаги беморни операция қилишдан олдин маслаҳатлашишмоқда.

Тақдимот

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

Янги йил эшик қоқиб турган шу кунларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўзига хос совға тайёрланди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Ўзбектелеком Мобайл" уяли алоқа компанияси билан ҳамкорликда махсус корпоратив тариф режасини ишлаб чиқди.

Ушбу тариф иштирокчилари "Журналист" корпоратив мижозлар гуруҳига қўшилади. Албатта, бу ангиллики эшитган ҳар бир кишида савол туғилади: мазкур тарифдан асосий мақсад нима ва унинг журналист учун қандай имтиёзлари бор?

— Мақсад оддий — оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва журналистлар учун қулайлиқ яратиш, — дейди Фонднинг етакчи мутахассиси Зафар Мурадов. — Зеро, бугунги ахборот асрида ҳар бир дақиқа муҳим роль ўйнайди. Ахборот тарқатишнинг энг тезкор йўли бўлиши оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Шундай экан, журналистлик фаолиятда уяли алоқа хизмати катта аҳамиятга эга.

Ушбу лойиҳанинг юзга келишига Фонд ҳамда унинг грант олувчилари ва ҳамкорлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарадорлигини ошириш масаласи сабаб бўлди. Бугун Фонднинг грант олувчилари ва ҳамкорлари бўлган оммавий ахборот воситалари юздан ошган ва айна

пайтда улар республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган. Табиийки, улар бир-бирлари билан доимий мулоқотда бўладилар. Шундай экан, бу мулоқотлар бугунги куннинг энг замонавий алоқа хизмати воситаси орқали янада мустаҳкамланса, ўз навабидан бу — тахририятларнинг кундалик фаолиятларида, Фонд ва унинг ҳамкор тахририятлар билан ишлаш жараёни ва ахборот алоқасида самарали иш олиб боради. Бундан ташқари, тахририятларнинг шаҳар ва шаҳарлараро телефон хизмати харажатларини ҳам бир мунча камайтиришда муҳим омил бўлади.

Имтиёزلарга келганда, ушбу гуруҳ абонентлари учун республика миқёсида барча қирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар бепул бўлиб, бундан ташқари бошқа телефон мулоқотлари учун ойига 1000 дақиқа имтиёзли сўзлашув тақдим этилади.

"Ўзбектелеком Мобайл" телефон аппарати рақамли системада фаолият кўрсатиши сабабли у компаниянинг махсус шаҳобчалари орқали марказлашган тарзда тахририятларга

тарқатилади. Тариф доирасида ҳар бир тахририят учун иккитадан абонент ўрни ажратилди.

Фонд шу билан бирга грант олувчилар ва ҳамкорлар "Журналист" корпоратив мижозлар гуруҳига қўшилишлари учун молиявий жиҳатдан имконият ҳам яратди. Жумладан, "Ўзбектелеком Мобайл" компанияси Фонд тавсия этган мижозларга уяли алоқа аппаратларини имтиёзли нархларда, яъни асл нархнинг 50 фоизи ҳажмида тақдим этмоқда.

Шундай қилиб, жорий йилнинг 25 декабридан Янги йил туҳфаси сифатида "Журналист" корпоратив мижозлар гуруҳи тарифи фаолият кўрсатга бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу тариф фақат Фонд ва унинг ҳамкорлари учунгина эмас, балки барча оммавий ахборот воситалари ва ижод вакилларига ҳам қулай.

Уялимики, мазкур тариф журналистларнинг ўзига хос ҳамкорлиги ва мулоқот воситаси рамзи сифатида уларнинг фаолиятларида асосий ўрин тутди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот хизмати.

Хабар

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ

Куни кеча ЭКОСАН халқаро ташкилоти томонидан Қорақалпоғистон Республикасига 90 миллион сўмдан зиёд инсонпарварлик ёрдами ортилган навабдаги 6-ЭКОСАН-Ўзбекистон темир йўллари" саломатлик поезди жўнаб кетди.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкентда жорий йилнинг март ойида "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генфондида, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ва бунинг оқибатларини камайтириш борасида халқаро ҳамкорлик" мавзусида ташкил қилинган халқаро конференцияда Оролбўйи минтақасида иқлим ўзгариши оқибатларини камайтиришга қаратилган ва хорижий донорларга тақдим қилинган лойиҳалар рўйхатида Оролбўйи ҳудудидаги аҳолига юқори малакали тиббий, консультатив ва инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишга қаратилган "ЭКОСАН" саломатлик поезди" лойиҳаси киритилган эди.

Шунга мувофиқ юборилган инсонпарварлик ёрдами таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг тиббиёт, ўқув муассасалари, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли учун ки-

йим-кечаклар, дори-дармонлар, халқ истеъмоли моллари, шунингдек, бадий ва ўқув адабиётлар, компьютерлар киритилган.

Поездни кузатиш маросимида таъкидланганидек, жорий йил бошидан "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти томонидан республикамизнинг турли минтақаларига 25 та саломатлик поезди жўнатилиб, 1,6 миллиард сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Фақатгина Қорақалпоғистон Республикасига жорий йилда 6 та поезд юборилди ва улар орқали нафақат кийим-кечаклар, халқ истеъмоли моллари, дори-дармонлар, балки ҳудуднинг экологик вазияти ноқулай бўлганлиги учун Шуманай, Қўнғирот, Қонлиқўл, Тахтақўпир, Қораузақ, Чимбой ва Кегайли туманларига сув чиқарувчи насослар ҳам етказилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг "Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги" лойиҳаси асосида тайёрланди.

Новости

ЗАЩИТА НАСЕЛЕНИЯ ПОД КОНТРОЛЕМ ГОСУДАРСТВА

18 декабря 2008 года в конференц-зале Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан прошел брифинг, главной целью которого стало общение с представителями средств массовой информации, ознакомление их с деятельностью министерства, а также с имеющимися на сегодняшний день ситуациями, относящимися к разряду чрезвычайных. Вел мероприятие первый заместитель министра по чрезвычайным ситуациям полковник Т. Турагалов.

В связи с нынешними погодными условиями, резко увеличивающими процент происходящих чрезвычайных ситуаций, описываемое мероприятие носит действительно актуальный характер. Частые осадки в виде дождя и снега, нарушающие видимость и качество проезжих дорог, приводят к опасным дорожно-транспортным происшествиям. В горных регионах республики ситуация представляется еще более опасной в связи со свойственными им климатическими условиями. Речь идет о селях, сходах лавин. Помимо этого, пожары, наводнения, землетрясения и другого рода стихийные природные и техногенные бедствия относятся к разряду чрезвычайных. Их профилактика и, в случае уже возникшей ситуации, устранение, борьба с последствиями – все это находится в компетенции Министерства по чрезвычайным ситуациям.

В ходе брифинга для представителей средств массовой информации была подробно описана активная деятельность организаций, контролирующих возникновение чрезвычайных ситуаций, и показан документальный фильм, отражающий их повседневную работу. Для

Ежедневно в республике происходит большое количество чрезвычайных происшествий, и ни один человек в мире не может быть застрахован от этого. Единственный способ более или менее оградиться от таких ситуаций – это быть бдительнее и внимательнее ко всему происходящему. Мы призываем всех людей быть осторожнее и беречь себя.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

того чтобы работать под руководством Министерства по чрезвычайным ситуациям, необходимо обладать сноровкой, силой, ловкостью и храбростью. Члены бригады, в любой момент готовые броситься на встречу опасности, проходят строгий отбор и ежедневно тренируют свои навыки в искусственно созданных учебных ситуациях.

Отличительной особенностью чрезвычайных ситуаций является их непредвиденность – их нельзя запланировать, вычислить и их трудно избежать. О том, насколько все мы подвержены возникновению таких ситуаций, можно судить, глядя на данные, предоставленные МЧС за последние 11 месяцев, в течение которых аварийно-спасательной службой было осуществлено 3 330 выездов на места происшествий. Это очень высокая цифра, которая должна заставить нас задуматься над собственной безопасностью. Впереди еще 2 холодных зимних месяца, которые, несомненно, будут сопровождаться обильными осадками. И нам необходимо быть внимательней по отношению к своей жизни и жизни окружающих нас людей.

Тошкент Фармацевтика институти 2008/2009 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлашга киришганлигини маълум қилади

– Бакалавриатуранинг “Фармация” йўналиши битирувчилари фармация соҳасида олий маълумотли фармацевт кадрлар талаб қилинадиган лавозимларда хизмат қиладилар.

– “Қасб таълими (фармацевт)” йўналиши битирувчилари тиббиёт коллежларининг фармацевтика бўлимида мутахассислик фанларидан педагогик фаолият олиб боради ҳамда дорихона тармоғида хизмат қиладилар.

– “Биотехнология” йўналиши битирувчилари фармацевтик ва бошқа турдош ишлаб чиқариш корхоналарида хизмат қиладилар.

– “Саноат фармацияси” йўналиши битирувчилари фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида олий маълумот талаб қилинадиган лавозимларда хизмат қиладилар.

Юқорида келтирилган лавозимларга талаби бўлган барча корхона ва ташкилотлар институт тақсимот хайъатига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилми: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй, маркетинг хизмати бўлими. Тел.: 256-08-18. Факс: 256-45-04.

2008/2009 ўқув йилида давлат гранти асосида тахсил олаётган битирувчилар ҳақида маълумот

№	Факультет	Йўналишлар	Шу жумладан вилоятлар бўйича														
			Жами	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Қашқадарё	Фарғона	Тошкент вилояти	Хоразм	Тошкент шаҳри
1.	Фармация	Фармация	51	-	1	9	-	-	-	8	2	3	6	1	1	2	18
		Қасб таълими	8	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	1	6
2.	Саноат фармацияси	Саноат фармацияси	15	1	-	2	-	1	1	4	1	1	1	1	-	1	1
		Биотехнология	10	-	-	-	1	-	-	-	-	1	3	-	2	-	3
		Жами	84	1	1	11	1	1	1	12	3	6	10	2	3	4	28

2008/2009 ўқув йилида шартнома асосида тахсил олаётган битирувчилар ҳақида маълумот

№	Факультет	Йўналишлар	Шу жумладан вилоятлар бўйича														
			Жами	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Қашқадарё	Фарғона	Тошкент вилояти	Хоразм	Тошкент шаҳри
1.	Фармация	Фармация	173	3	7	12	-	6	6	13	2	5	15	10	19	7	68
		Қасб таълими	27	3	-	3	-	1	3	1	1	4	3	-	-	3	5
2.	Саноат фармацияси	Саноат фармацияси	19	-	-	1	1	1	-	2	1	1	5	-	1	1	5
		Биотехнология	20	1	1	2	1	-	-	2	-	2	3	-	1	-	7
		Жами	239	7	8	18	2	8	9	18	4	12	26	10	21	11	85

Ибрат

МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ ОРТИДА

Эл саломатлиги посбонлари... Бу касб ортидан обрў-этибор қозониб, мудом халқнинг олқишига сазовор бўлаётганлар қанча. Бироқ буларга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмайди. Роза Қаҳҳорова ҳам касбим – менинг ҳаётим, деб мукамал бахтни кўнгли пок шифокорлик ортидан топганлардан. Унинг умр дафтарини варақлар эканмиш, босиб ўтган йўли кўпчилик учун ибрат мактабидир. Р. Қаҳҳорова нафақат оилада, балки жамиятда ҳам фаол шахс эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Роза Қаҳҳорова 1939 йили Қарши шаҳрида таваллуд топди. 1956 йили ўрта мактабнинг 8-синфини тугатиб, Қарши тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. 1959 йили билим юртини имтиёзли билан тавомлаб, Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1965 йилда институти тавомлаб, вилоят 1-сон шифохонасида шифокор-уролог сифатида фаолиятини бошлади. Кейинчалик тиббиёт билим юртида, Қарши педагогика институтида (ҳозирги Қарши ДУ) тиббиёт курси ўқитувчиси, вилоят партия комитетининг ўқув юрталари ва соғлиқни сақлаш бўлимида инструктор, вилоят 1-сон шифохонасида бош шифокор ўринбосари вазифаларида ишлади. Роза Қаҳҳорова 1977-1985 йиллари вилоят санитария-маориф уйида бош шифокор бўлиб ишлаган кезлари тиббиёт кутубхонаси, вилоятнинг Китеб, Қарши, Шахрисабз, Чироқчи туманларида санитария маориф уйлари, улар қошида расмийлик устаконаси ташкил этишда ташаббускорлик қилди, санитария-маориф уйлари энгил автомашиналар билан таъминлаш ечимини излади ва уларни йўлга қўйди. 1981 йилда Республика Қашқадарё вилоят санитария-маориф уйи эл саломатлиги борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Бир неча йил Роза опа вилоят

“Хушёрлик жамияти”ни ҳам бошқарди. Шу билан бирга Роза Қаҳҳорова ўз иш тажрибасини ошириш мақсадида Россиянинг бир қанча йirik шаҳарларида, шуниингдек, Германия, Чехословакия, Ҳиндистон каби давлатларда хизмат сафарларида бўлиб қайтди.

Қарийб йигирма йилдирки, Роза опа вилоят тиббий ташхис марказида шифокор-уролог сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У кўплаб беморларнинг дардига шифо бахш этиш мақсадида тинмай меҳнат қиладиган. Бундан ташқари, бўлажак тиббиёт ходимларига касб сирларини ўргатишдан меҳнатини асмайди, вилоятнинг турли бурчагидан шифо истаб келганларга малҳам улашади. Ҳақиқатдан ҳам Роза опа ҳар бир беморга ташхис қўйиб даволашда шоҳалоқликка йўл қўймайди. Аввал синчиклаб ўрганади, беморни тинглайди. Оқ либосда уни кўришни ота-онаси ҳам ният қилганди. Ният ва орзулар Роза Қаҳҳорованинг интилиши ва қизиқиши натижа-

сида рўёбга чиқди.

– Бизга асосан ошқозон-ичак касалликлари, буйрак ва жигар, юрак, гинекологик, асаб-руҳий касалликлар билан оғриган беморлар мурожаат этишади, – дейди Роза Қаҳҳорова. – Уларни даволаш ва ташхис қўйишда дунёнинг ривожланган мамлакатларидан келтирилган тиббий ускуналардан фойдаланилади. Меҳнат фаолиятининг асосий қисми шу марказ билан боғлиқ, десам янглишмайман. Шифокорлик касбига орзумандлар бу касбнинг нақадар масъулияти, шу билан бирга шарафли эканлигини астойдил меҳнат қилсалар биладилар. Элга соғлиқ улашмоқдан ортиқ яна қандай бахт бор?! Урушдан кейинги йиллари Қарши шаҳрида Меҳрибонлик уйи ташкил этилди. Онам ана шу ерда 25 йил раҳбарлик қилди, умрини меҳрга ташна қалблар орасида ўтказди. Отам эса ҳуқуқ-тартибот соҳасида самарали меҳнат қилди. Улар фарзандларини жамиятда фаол шахс бўлиб етиштишлари, ўзимиз истаган касбини эгалла-

шимиз учун астойдил ҳаракат қилишарди. Мен биринчи бор беморга муолажа ўтказганимда, қабулимга келган илк беморим билан мулоқот олиб борган кунларимда ота-онамдаги хурсандчилик ҳали-ҳануз ёдимда. Эл орасида эътибор қозондим, шогирдлар тайёрладим, хаста кўнглиларга малҳам улашяпман, мўмин фарзандлар ўстирдим, набиралар ардоғидаман. Булар тўқис бахт деганнинг ўзгинаси-ку!

Қўтлуг 70 ёшни қарши олган Роза Қаҳҳорова ўткир зехнли, ташаббускор, кўпчиликка ўрнак, виллоятда ягона уролог-шифокор аёл – оилада ҳам самимий фазилатларга эга. Унинг самарали меҳнатлари бугун муносиб тақдирланмоқда. Вилоят тиббиёт соҳасининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Роза опа урологик ва ички касалликларни аниқлаш ва ташхис қўйишда ишлатиладиган замонавий тиббий ускуналар билан ишлаб, виллоятнинг олис туманларида истикомат қиладиганларни тиббий кўрикдан ўтказиш муолажаларини амалга ошириб келмоқда. Ҳа, орзуга эришмоқнинг ойдin йўли деб шунга айтсалар керак.

Афтондил ИСМОИЛОВ.



Қалбарга эзгулик нурини сочиб келатган
Янги йилингиз муборак бўлсин!

КАК ВСТРЕЧАЮТ НОВЫЙ ГОД В РАЗНЫХ СТРАНАХ МИРА

**В разных странах мира существуют свои
новогодние традиции**

В Японии Новый год празднуется 1 января. Чтобы не впустить злых духов, японцы вешают пучки соломой перед входом в дома, что, как они полагают, приносит счастье. В момент начала нового года японцы начинают смеяться. Они верят, что смех принесет им удачу в приходящем году.

Китайский Новый год празднуется между 17 января и 19 февраля, во время новолуния. Уличные процессии – самая захватывающая часть праздника. Тысячи фонарей зажигаются во время процессий, чтобы осветить путь в новый год. Китайцы считают, что Новый год окружен злыми духами. Поэтому они отпугивают их хлопотками и петардами. Иногда китайцы заклеивают окна и двери бумагой, чтобы не впустить злых духов. Китайский Новый год или «праздник весны», который на сей раз выпадет на 29 января, это всегда важнейшее событие года, и китайцы делают все, чтобы достойно отметить его в кругу семьи, в стенах своего родного дома. В действительности, китайцы – далеко не единственная нация, которая «расходится» в своих традициях с «солнечными» календарными праздниками Запада.

Новый год в Австралии начинается первого января. Но как раз в это время там стоит такая жара, что Дед Мороз и Снегурочка разносят подарки в купальных костюмах.

В октябре Новый год приходит в Индонезию. Все люди принаряжаются и просят друг у друга прощения за неприязни, которые они причинили в прошедшем году.

В Югославии на Новый год много гадали: по посолонным 12 долькам лука определяли погоду в том или ином месяце (хорваты, словенцы). В некоторых областях **Словении** на стол выкладывали десять разных предметов: среди них были сосновая веточка (счас-

тье), кольцо (свадьба), кукла (рост семьи), деньги (богатство) и т. д., которые накрывались меховой шапкой. Каждый гадавший должен был трижды вытащить предмет, и если все время ему попадался один и тот же, то это означало, что в течение года в его жизни произойдет событие, связанное с символикой данного предмета.

В Болгарии традиционно встречают Новый год дома. Перед началом праздника самый младший в доме стоит возле елки и распевает гостям колядки. В благодарность добрые дяди и тети дарят ему подарки. Самое интересное начинается с 12-м ударом часов. В это время в домах на мгновение гаснет свет для новогодних поцелуев. Только после этого хозяйка начинает разрезать пирог с запеченными в нем сюрпризами. Если досталась монетка – жди богатства, веточка розы – любви. Такая же пирожно-сюрпризная традиция распространена в Румынии и Австралии.

В Бельгии и Нидерландах повсеместно распространена «магия первого дня», смысл которой заключается в том, что по поведению человека в первый день нового года судят о том, что ему предстоит в наступающем году. Поэтому старались ничего не занимать в этот день, надеясь что-нибудь новое и т. д. Чтобы весь год был достаток в доме, необходимо было и изобилие еды в Новый год.

В Шотландии перед полночью на фермах разводят яркий огонь в камине, и вся семья садится вокруг него в ожидании боя часов. Когда стрелки часов приближаются к 12, хозяин дома встает и молча открывает дверь. Он держит ее открытой до тех пор, пока часы не прозвучат последний удар. Так он выпускает старый год и впускает новый.

Материалы основаны на данных Интернета.

ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ

Скорость развития СПИДа зависит от ДНК митохондрий

Скорость, с которой ВИЧ-инфекция переходит в СПИД, определяется носительством того или иного варианта ДНК митохондрий. Некоторые варианты митохондриальной ДНК (так называемые гаплогруппы) ассоциируются с ускорением развития СПИДа в два раза, сообщает журнал New Scientist.

Стивен О'Брайан и его коллеги из Национального института рака во Фредерике (штат Мэриленд, США) изучили данные пяти долгосрочных исследований с участием 1 833 ВИЧ-инфицированных пациентов. Все исследования были проведены в 1980-х и начале 1990-х годов прошлого века, до широкого внедрения антиретровирусной терапии, что позволило проследить естественный ход развития заболевания.

В ходе экспериментов ученые определяли продолжительность течения ВИЧ-инфекции у пациентов до развития СПИД-ассоциированных заболеваний. Эти данные сопоставлялись с их вариантом ДНК митохондрий – клеточных структур, занимающихся выработкой энергии. Митохондриальная ДНК, передающаяся только по материнской линии, позволяет определить географическое происхождение семейной группы. В зависимости от вариаций митохондриальной ДНК выделяются так называемые гаплогруппы, которые показывают, к какой генеалогической ветви человечества относится тот или иной человек.

Выяснилось, что у людей, принадлежащих к митохондриальным гаплогруппам U5a1 и J, ВИЧ-инфекция прогрессировала в два раза быстрее, чем в среднем у участников. В то же время у тех, кто принадлежал к гаплогруппе H3, СПИД развивался более чем в два раза дольше, показало исследование.

Ученые отметили, что митохондриальные гаплогруппы различаются по количеству вырабатываемой ими энергии, причем гаплогруппы U5a1 и J вырабатывают меньшее количество энергии. Провоцируемый ВИЧ апоптоз (клеточная гибель) активнее протекает в тех иммунных клетках, митохондрии которых вырабатывают меньше энергии. Этот факт может служить возможным объяснением ускоренного развития СПИДа у пациентов, принадлежащих к гаплогруппам U5a1 и J.

В будущем определение митохондриальной ДНК может быть использовано при прогнозировании развития ВИЧ у пациента, а также для определения сроков начала антиретровирусной терапии, резюмировали ученые.

Китайские хирурги достали стрелу из головы школьника

Китайские хирурги извлекли из головы 11-летнего ребенка стрелу, попавшую в глазницу и

застрявшую в задней стенке черепа, сообщает Telegraph.

Школьник из китайского города Чанчунь получил травму, когда дети развлекались стрельбой из лука без присмотра тренера. Стрела вошла в глазницу и углубилась в полость черепа более чем на 10 сантиметров. Чтобы обследовать пациента, врачам пришлось обрезать 30-сантиметровый конец стрелы, поскольку иначе он не помещался в компьютерный томограф.

К счастью, стрела практически не повредила мозг ребенка. Однако для того, чтобы извлечь инородный предмет, врачам потребовалось удалить несколько фрагментов черепа.

Врачи предупредили родителей мальчика о высоком риске инфекционных осложнений при подобных травмах. Не исключено, что ему могут потребоваться новые операции. Выпустившая стрелу 13-летняя школьница была также госпитализирована в связи с нервным потрясением.

Студенты-медики часто страдают от депрессии

Более трети студентов-медики и молодых врачей испытывают симптомы депрессии. Такие данные были получены бразильскими учеными по результатам исследования, опубликованного в журнале BMC Medical Education.

Сержио Балдассини и его коллеги из Региональной медицинской школы ABC, близ Сан-Паулу, провели опрос среди 480 студентов-медиков.

Выяснилось, что 38% студентов испытывают как минимум 10 из 63 симптомов депрессии. Наиболее часто медики страдали от так называемых аффективных проявлений депрессии: уныния, неудовлетворенности, раздражительности, плаксивости и замкнутости. Кроме того, у них нередко встречались соматические проявления депрессии, в частности, заторможенность, бессонница, хроническая усталость, снижение веса и т. д. Когнитивные симптомы депрессии – пессимизм, чувство вины, страх перед высказываниями, неудовлетворенность и неуверенность в собственных знаниях, безынициативность и суицидальные мысли – встречались несколько реже.

В наибольшей степени от симптомов депрессии страдали студенты женского пола. В свою очередь потомственные медики испытывали их значительно реже, показало исследование.

Ученые отметили, что наиболее опасным с точки зрения психического здоровья студентов является период окончания вуза и интернатуры. Начинающие врачи боятся попасть в пропуск из-за нехватки знаний, а также испытывают неуверенность при проведении физического обследования пациентов, заявили исследователи. По их мнению, в этот период преподавателям вузов следует быть особенно внимательными к студентам, чтобы не допустить попыток суицида.

В шотландских больницах запретят носить белые халаты

Правительство Шотландии объявило о введении нового дресс-кода для медработников и обслуживающего персонала медицинских учреждений, относящихся к государственной Национальной службе здравоохранения (NHS). При этом в рамках борьбы с внутрибольничными инфекциями планируется запретить ношение белых халатов, сообщает BBC.

Новая униформа для врачей и медсестер будет состоять из штанов темно-синего цвета и туники одного из четырех оттенков голубого цвета. Под нее рекомендовано надевать рубашку или блузку с коротким рукавом. В то же время обслуживающий персонал и технические работники медучреждений будут носить аналогичную униформу зеленого цвета.

После вступления в силу новых распоряжений под запретом окажутся не только медицинские халаты, но и вся одежда с длинным рукавом, а также галстуки. Руки и ножницы запретят носить во внешнем нагрудном кармане, а длинные волосы обяжут собирать в хвост. Также под запретом окажется ношение медицинской униформы в нерабочее время.

В настоящее время государственные клиники страны закупают более 150 разновидностей медицинской одежды, имеющей около 250 расцветок. Отныне планируется выбрать одного поставщика, который будет предоставлять стандартную униформу, сделанную из удобной ткани с антимикробными свойствами.

Предполагается, что с появлением нового дресс-кода медицинский персонал станет более узнаваемым для пациентов. Кроме того, нововведение позволит уменьшить распространение внутрибольничных инфекций, а также сэкономит денежные средства, считают в правительстве.

В США успешно проведена первая в стране пересадка лица

Американские хирурги заявили об успешном проведении первой в стране трансплантации лица. Операция состоялась в Клинике Кливленда в начале декабря: пересаженные ткани покрывают около 80 процентов поверхности лица пациентки. Сейчас состояние женщины не вызывает опасений врачей.

Первая в мире частичная пересадка лица была проведена французскими хирургами Мишелем Дюбернармом и Бернардом Девоселем в ноябре 2005 года. После этого две подобные операции были проведены в Китае и во Франции.

Имя пациентки американских хирургов, а также причины, из-за которых ей потребовалась трансплантация, пока не называются.

Газетанинг навбатдаги сони
2009 йил 9 январь куни чиқади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш
Здравоохранение Узбекистана

Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир хайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир хайъати аъзолари:

Бобур Алимов, Озода Мухитдинова, Бахтиёр
Низматов, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева,
Абдулла Убайдуллаев, Фарход Фўзайлов,
Миралшпер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Газета материаллари таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

Миянқилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс:
233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума куллари чиқади. Мақола-
лар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqli saqlash – Здравоохранение Узбекиста-
на» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил
қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Эълон ва билдирулганлиги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Интернет саҳифаларида фойдаланилган суратларга (шартли белгиси қўйилган).

Адаби 4935 нуска. Буғуртма Г-1150.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаховасида чоп
этилди. Газета ҳафта 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмаховонага топшириш вақти – 20.00.